

Жўрабек СОДИҚОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

«ТАЪВИЛОТ АҲЛ АС-СУННА» ВА БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Тарих ва бугунги давр диний тафриқачилик, ақидапарастлик ва мутаассиблик инсоният, хусусан Ислом дунёси қаршида турган энг катта муаммолардан бири эканлигини кўрсатмоқда. У сабаб юз берган келишмовчиликлардан тортиб то қонли урушларгача бўлган жараёнлар инсоният ҳамжамиятига чексиз кулфатлар келтирган. Афсуски, бу жараён ҳали-ҳануз давом этмоқда. Бугун бутун дунё миқёсида фикрлар алмашинуви кучайган глобаллашув даврида бу муаммо айниқса ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Машҳур аллома Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот аҳл ас-сунна” тафсири ана шундай нафақат ўз даврида, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган қимматли асарлардан биридир. Ушбу тафсирда келтирилган фиркалар тарихи ва ғояларини бугунги кун адашган оқимларининг қарашлари билан ўзаро қиёслаш натижасида қуйидаги иккита долзарб мавзулардаги ўхшашликларга тўхталиб ўтиш лозим деб топилди:

- Такфир борасидаги ҳаддан ошишлар;
- Боғийлик (раҳбарларга бўйинсунмаслик) масаласи.

Ҳозирги даврда ислом дунёсидаги энг долзарб муаммолардан бири, шубҳасиз, “так-

фир” масаласи ҳисобланади. Чунки, ҳозирги пайтда кўплаб мутаассиб фиркалар томонидан мусулмонларни кофирга чиқаришда ҳаддан ошиш, яъни куфр саналмайдиган ишларда кофирликда айблаш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Аслида, бирор бир мусулмонни ноҳақ куфрда айблаш ниҳоятда оғир гуноҳ саналади.

Қуръоннинг:

وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ أَلْقَى إِلَيْكُمُ السَّلَامَ لَسْتَ مُؤْمِنًا
تَبْتَغُونَ عَرَضَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا... فَتَبْثُلُوا...

“...аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига бу дунё матоҳини (ўлжани) кўзлаб: «Мўмин эмассан», – демангиз!...”¹(Нисо: 94) ояти тафсирида Мотуридий қуйидагиларни айтади: “Бу оят нозил бўлишига сабаб бўлган қисса қандай бўлганини билмаймиз. Лекин бу ўринда шубҳалардан тийилиш ва иймон калимаси айтилганда тўхташга буйруқ бор. Шунингдек, мўминнинг ишлари ва хабарларида шубҳаланишдан тўхташ вожиб ҳисобланади. Чунки, Аллоҳ таоло: “...аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига: “Мўмин эмас-

¹ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 93.

сан”, – демангиз!”, – деб амалларда қатъий аниқликка буюрмоқда... Демак, агар уларни: “Мўъмин эмас”, – дейишдан қайтарган экан, ўз-ўзидан “У мўъмин”, – дейишга буюрган бўлади. Агар бунга қаршилар бўлса, уларга: “Сизлар илмлироқмисизлар, ёки Аллоҳми” – деб айтилади”².

Замонавий мотуридийшунос олим Адил Бебек Мотуридий асарларидаги асосий тамойилларни умумлаштирган ҳолда куфрнинг моҳияти ҳақида қуйидагиларни айтади: “Мотуридийликка кўра куфр Аллоҳни танимаслик, Унга бўйин сунмаслик, Унинг бирлигини қабул этмаслик, қалбдан севмаслик, Яратганга қарши чиқиш, Уни ёлғонга чиқариш ва инкор этиш, Аллоҳ ва Расулига енгил-елпи қараш ва Унинг ҳаром қилган нарсаларини (билган ҳолатда) ҳалол деб санашлик ҳисобланади”³.

Демак, юқоридаги сифатлар бирор кишида топилмас экан уни кофирга чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ экан. Шу боис бугунги кунда кўплаб адашган оқимлар, ва “жиходчи” ташкилотларнинг мусулмонларни шариатга тўлиқ амал қилмаётганликда айблаб, уларни кофирга чиқаришларини ва қонини ҳалол санашиларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Мотуридий ҳозирги пайтда адашган фирқалар томонидан нотўғри тафсир қилиниши натижасида кўплаб муаммоли вазиятларга сабаб бўлаётган:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ...

“...Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир”⁴ (Моида: 44) ояти тафсирида жуда қисқа, лекин аниқ ва лўнда жумлаларни келтиради: “Шу каби кимки Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилиш ло-

зимлигини инкор этса ва Унинг ҳукмини ҳақ деб билмаса, у кофирдир”⁵.

Бу оят тафсирида “Қуръон таржимони” ва “Илм денгизи” каби юксак эътирофларга сабаб бўлган Ибн Аббос: “Аллоҳнинг ҳудуди (ҳукмлари)дан бирортасини инкор этган киши кофир бўлади. Аммо инкор этмай иқрор ва тасдиқ этган ҳолда уларга мувофиқ ҳукм қилмаса кофир бўлмайди, балки фосиқ (гуноҳкор) бўлади”, – деб айтган⁶.

Кўриниб турибдики, бугун кўплаб мутаассиб гуруҳлар томонидан мусулмон раҳбарларни шариат билан ҳукм қилмаётганлари сабабли кофирга чиқаришлари умуман асоссиз экан.

Юқорида тўхталиб ўтилган долзарб муаммога боғлиқ равишда келиб чиқадиган яна бир жиддий мавзу боғийлик масаласи ҳисобланади. Бугунги кунда кўплаб адашган оқимлар ва фирқалар ўз давлат раҳбарларини юқоридаги нотўғри тушунчалар сабабли кофирликда айблаб, уларга қарши чиқмоқдалар. Бу нозик мавзулардан айрим ғаразли кучлар ҳам жуда усталик билан фойдаланмоқдалар. Натижада қанча бегуноҳ инсонлар, мусулмонларнинг қони тўкилмоқда, обод мамлакатлар вайронага айланмоқда.

Ислом уламолари боғийлик масаласида қуйидаги оятдан далил олишган:

وَإِنْ طَائِفَتَانِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ اقْتَتَلُوا فَأَصْلَحُوا بَيْنَهُمَا فَإِنْ بَغَتْ إِحْدَاهُمَا عَلَى الْأُخْرَىٰ فَقَاتِلُوا الَّتِي تَبْغِي حَتَّىٰ تَفِيءَ إِلَىٰ أَمْرِ اللَّهِ فَإِنَّ فَاءَ ت فَأَصْلَحُوا بَيْنَهُمَا بِالْعَدْلِ وَأَقْسِطُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ

“Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз! Бас, агар улардан бири, иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушингиз! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўрта-

² Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Аҳмад Ванли ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дар ал-мийзон, 2005. – Ж. 3. – Б. 424.

³ Адил Бебек. Matürldide günah problemi. – Истанбул: Байрак, 1998. – Б. 150.

⁴ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 115.

⁵ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Аҳмад Ванли ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дар ал-мийзон, 2005. – Ж. 4. – Б. 237.

⁶ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: 2018. – Б. 115.

сини адолат билан тузатиб қўйинглар ва адолатли бўлингиз! Зеро, Аллоҳ адолатлиларни севар”⁷ (Хужурот: 9).

Бу оят тафсирида Мотуридий қуйидагиларни айтади: “...Ушбу оятдан Али ибн Абу Толиб (р. а.) билан ҳарурий ва нахрон аҳли ўртасидаги воқеаларга изоҳ топиш мумкин. Али (р. а.) уларга қарши уруш бошлаганда одамлар айтишди: “Улар мушрикларми?”. Али айтди: “Улар ширк босқичидан ўтиб кетишган”. “Унда мунофиқларми?”, - деб айтишди. Али (р. а.) жавоб берди: “Мунофиқлар Аллоҳни жуда кам зикр қилишади”. Шунда одамлар: “У ҳолда улар ким?”, - деб савол беришди. У бу саволга қуйидагича жавоб берди: “Улар бизга тажовуз ва уруш қилган кишилардир. Шу сабаб уларга қарши биз ҳам уруш қилдик”⁸.

Шунингдек, аллома: “Бас, агар улардан бири, иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушингиз!” – ояти тафсирида шундай дейди: “Ёки икки тоифадан бирортаси зулм қилса ва ҳақ бўлмаган нарсани талаб қилса, тажовузкорларга қарши то Аллоҳнинг амри ва ҳаққа қайтгунларича, жанг қилинлар. Аллоҳ таоло бу ўринда тажовузга учраган тоифага ёрдам беришга, уларни боғийлардан ҳимоя қилишга буюрмоқда... Агар қачонки уларнинг тажовузлири ва исёнларини қуролсиз тўхтатиш мумкин бўлса, шундай қилиш тўғри ва вожиб ҳисобланади. Агар уларни урушсиз тўхтатишнинг иложи бўлмаса, бунинг нотўғри тарафи йўқ. Чунки, Али (р. а.) улўғ саҳобийлар билан бирга боғийларга қарши жанг қилганлар...”⁹.

Боғийликнинг асосий келиб чиқиш сабаби бошлиқларга ва раҳбарларга итоатсизлик ҳисобланади. Аллоҳ айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ...

⁷ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 516.

⁸ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Аҳмад Ванли ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дар ал-мийзон, 2005. – Ж. 14. – Б. 67, 68.

⁹ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Аҳмад Ванли ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дар ал-мийзон, 2005. – Ж. 14. – Б. 68-69.

“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!...”¹⁰ (Нисо: 59).

Ушбу оятнинг «Таъвилот аҳли-с-сунна»даги тафсирида қуйидагилар айтилади: “... Уламолар “ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқлар” кимлиги борасида ихтилоф қилишган. “улар амирлар”, “қўшин бошлиқлари”, - дейишган. Шунингдек: “улар олимлар ва фақиҳлар” ва яна “улар яхшилик аҳли” - деган қарашлар ҳам бор... Бу оятда у қўшин бошлиқлари бўладими ёки бошқами, илмли ва ўзоқни кўра оладиган кишигина раҳбар бўлиши кераклигига далил бор. Чунки Аллоҳ таоло фақат илмли ва узокни кўра оладиганларга итоатга буюрмоқда... Аллоҳ таоло бундан олдинги оятда: “Агар инсонлар ўртасида ҳукм қилсанг адолат билан ҳукм чиқар”, - дейишлиги “иш эгалари”нинг бошлиқлар эканлигини кўрсатади. Чунки, Аллоҳ таоло олдинги оятда ҳокимларни адолат қилишликка, раиятни эса ҳукм қилинган ва буюрилган нарсаларга қулоқ тутишни ва итоат қилишни буюрмоқда... Ибн Умар (р. а.) Расулulloҳ (с. а. в.)дан ривоят қилган ҳадисда: “Мусулмон киши модомики гуноҳ ишга буюрмас экан хоҳ яхши кўрсин, хоҳ ёмон кўрсин бошлиқлар буйирган ишга итоат этиши лозим. Агар кимки маъсиятга буюрса унга қулоқ ҳам солинмайди, итоат ҳам этилмайди”, - дейилади”¹¹.

Келтирилган оятлар тафсирида аллома юқоридаги каби саҳобийлар давридан то бугунги кунгача мусулмон дунёсида кўплаб долзарб муаммоларга сабаб бўлаётган мавзуларни оқилона муолажа қилгани, тўғри ва одилона ҳулосалар чиқарганилигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Шу сабаб “Таъвилот аҳли-с-сунна”нинг ҳозиги даврда ҳам мавжуд долзарб муаммоларни ҳал қилишдаги амалий аҳамияти жуда катта.

¹⁰ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Мансуров А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 87.

¹¹ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Аҳмад Ванли ўғли таҳрири остида. – Истанбул: Дар ал-мийзон, 2005. – Ж. 14. – Б. 292, 293.